



ЖАШЛИК СУЗВИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

23 июнь, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 119 (1121)

ҚЎШМА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримовнинг тақлифига биноан, Украина Президентини Л. Кучма 1995 йил 20-21 июнь кунлари Ўзбекистонда бўлди.

Ташриф чоғида дўстона давлатларнинг Президентлари икки томонлама ҳамкорликка доир кўлаб масалалар, ҳар иккала томонни қизиқтираётган халқаро муаммолар юзасидан музокара олиб бордилар. Улар бир-бирларини ўз мамлакатларидаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, давлатчилик ва миллий мустақилликни мустақамлашга қаратилган тadbирлар билан таништирдилар.

Давлат бошлиқлари Ўзбекистон билан Украинанинг бир-бирига яқинлашиш сари тобора кучайиб бораётган ҳаракатини, ўртада мунтазам сиёсий мулоқот ўрнатилганини, бу мулоқот вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа тузилмалар иштироки ҳисобига, томонларнинг Ўзбекистон—Украина муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўллариини излашга интилаётгани тўғрисида янада кенгайиб бораётганига ижобий баҳо бердилар.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги аъёнанив сиёсий ва иқтисодий алоқалар, кўпгина долзарб масалалар бўйича Президентларнинг қарашлари ўхшашлиги ва яқинлиги томонларнинг МДХ доирасида, халқаро ташкилотларда ҳамкорлик қилиш зарурлигини тушуниб еттиш — икки томонлама ҳамкорликнинг барча имкониятларидан миллий манфаатларни қўлаб, тўла ва самарали фойдаланишга ва муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши

га имкон бераётгани таъкидланди. Музокара иштирокчилари Ўзбекистон—Украина муносабатларининг ҳуқуқий негизларини мустақамлашга эътиборни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан улар ташриф чоғида бир қанча битимнинг имзоланишини, шу жумладан, Ўзбекистон—Украина ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўллариини тўғрисидаги Декларация, Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳамда Ўзбекистон билан Украина ҳуқуматлари ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги, илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ва бошқа айрим битимларнинг имзоланишини муҳим аҳамиятга моликлигини таъкидладилар. Президентлар маъмур ҳужжатлардаги қондаларнинг амалга оширилиши ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли тармоқларидаги муносабатларни ривожлантиришга қўмақлашди, деб ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон — Украина савдо-иқтисодий муносабатларида доир масалалар музокара-ларда устивор ўринда бўлди. Президентлар эътиборни иқтисодий ҳамкорлик соҳасида фойдаланилмаётган катта имкониятларга қаратдилар ва алоқаларнинг бозор муносабатларига мос келадиган янги шаклларини молия воситаларидан, давлатларнинг саноат ва илмий-техника салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга ёрдам беришга тайёр эканликларини айтдилар. Томонларнинг фикрича, бу жараёнда тўпланган тажриба, миллий Фанлар академиялари тизимларидаги институтлар ва муассасаларнинг илмий ишланмалари ижобий аҳамиятга эга бўлади.

Давлат бошлиқлари қон қазий саноатида, илм-фанга асосланган технологияларни ишлаб чиқишда, машинасозлик соҳасида, аграр-саноат мажмуида, нефть ва газни бир-галликда қидириш ва бу қазилмалардан фойдаланишда ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасида сазй-ҳаракатларни давом эттиришга келишиб олдилар. Ҳар икки томоннинг жаҳон бозорига чиқиш учун замонавий технология билан қўшма тузилмалар барпо этишни рағбатлантириш истаги баён қилинди.

Томонлар имзоланган битимларни, эришилган аҳдономаларни рўйбга чиқаришни, янги лойиҳаларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишни, ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартибни тақомиллаштиришни назорат қилишнинг қўшиқ уни-версал механизмларини яратди-ларни эъланларини баён қилди-лар. Ўзаро манфаатли асосда махсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариш юзасидан зарур чоралар эри-шилди. Шунингдек, эркин савдо тартибини ўрнатишда из-чил ҳаракат қилина ва Ўзбе-кистон билан Украина ўртаси-да имзоланган битимларнинг барча қондаларига тўла амал

қилиш, бу битимларнинг қа-бул қилинган бошқа мажбу-риятлар асосида қайта қўриб чиқишига йўл қўймаслик тўғ-рисида келишиб олинди. Президентлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тарақ-қибтдаги замонавий та-мобилларни мукоама қилди-лар, МДХ фаолиятида ишти-рок этиш шакллари кўп қир-рали бўлишини ёқлаб, давлат ҳокимияти миллий органлари-нинг ваколатларини миллат-лардан устун турадиган тузил-маларга топширишга қарши чиқидилар. Улар Тожикистон-даги, МДХ ҳудудидаги бошқа «конталаш нукталар»-да вуқуд-га келган вазият хусусида фир-ка алмашдилар, бу жойларда-ги мавжуд муаммоларни фа-қат сиёсий, тинч воситалар билан ҳал қилишни ёқлаб гапир-дилар.

Давлат бошлиқлари инсон-парварлик соҳасида, шу жум-ладан, Украинадаги ўзбеклар-нинг ва Ўзбекистондаги у-краинларнинг маънавий ҳамда маданий эҳтиёжларини қонди-риш, шунингдек, кўчириб ю-борилган халқларга ёрдам бе-риш соҳасида давлатларнинг муносабатларига доимий эътибор беришларини айтди-лар.

Томонлар давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар учун аъёнанив бўлган дўстлик ва ҳамжиҳат-лик вазиятида ўтган ташриф-нинг натижаларини ижобий баҳоладилар.

Президентлар ҳозирги таш-риф Ўзбекистон—Украина ў-ртасидаги қардошлиқ муноса-батларини мустақамлашга жиҳдий таъбир ўтказди, Ў-збекистон ва Украина халқла-ри дўстлигини янада мустақ-камлашга ҳизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ
КОРПОРАЦИЯСИ ВА
«ЎЗМОНТАЖМАХСУСҚУРИЛИШ»
УЮШМАСИ КОРХОНАПАРНИНГ
НАМУНА КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнатлари, «Кўкдумалоқ» қонид гази комплекс тайёрлайдиган қурилмани барпо этиш ва уни ишга туширишни таъминлашга қўшган ҳиссалари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»
АКИЕВ Жўра Саидович — «Ўзнефтьгазурилиш» давлат-акционерлик бирлашмасининг «Қашқадарёнефтьгазурилиш» трестига қарашли Муборак қурилиш-саноатқурилиш бригадирини
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»
КЕЛЕШ Иван Радинович — «Ўзнефтьгазурилиш» давлат-акционерлик бирлашмасининг «Муборакгаз» газ қони бошқармаси бошлиғини
Куйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

ОБИДОВ Иброҳим Ҳамроқулович — «Ўзнефтьгазури-лиш» давлат-акционерлик бирлашмасининг «Муборак-нефтьгазмонтаж» трестига қарашли 9-ихтисослаштирил-ган бошқармасининг электр пайвандчиси
ЛАПШИН Александр Иванович — «Ўзнефтьгазури-лиш» давлат-акционерлик бирлашмасини «Бухорогазсаноат-қурилиш» трести бошқарувчисининг ўринбосарини
ТОШПҮЛАТОВ Шўҳрат Нодирович — «Ўзмонтаж-махсуқурилиш» уюшмасининг 93-махсуқ трестига қа-рашли Қарши махсуқ монтаж бошқармасининг газ пайва-ндчиси
ШОСЕЙТОВ Йўлдош — «Ўзнефтьгазурилиш» давлат-акционерлик бирлашмасининг «Муборакгаз» газ қони бошқармасига қарашли «Кўкдумалоқ» қонининг нефть ва газ қазиб чиқариш оператори

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1995 йил 22 июнь.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Олий Мажлис Раиси Э. Халилов 22 июнь кунини Иордания Ҳошимийлар Қиролигининг Ўзбекистондаги Фахвуллода ва мухтор элчиси Валид ал-Саади унинг илтимосига биноан қабул қилди. Сўхбат илқ, дўстона вазиятда ўтди.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР



НАВАТ АНЖИРГА КЕЛДИ
Наманган туманидаги «Соҳибкор» хўжалиги шу кунларда шаҳарликларга савзавот маҳсулотларидан ташқари ўрик ва гилос етказиб бермоқда.

Хўжалик шаҳарда ўн саккизта фирма магазини очган. Бу магазинларнинг пештахталарида помидор ва бодирин бозор расталаридаги нисбатан олдинроқ пайдо бўлди. Чунки, «Соҳибкор»да катта иссиқхона хўжалиги бўлиб, бу ерда савзавот қўчатлари ўз вақтида тайёрланди. Айни пайтда хўжалик ўз маҳсулотларини анча арзон сотади.

ЧИҚИТДАН МАХСУЛОТ

Марғилон «Илақчилик» акционерлик жамияти Италиянинг «Гарден» фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Бу ерда «Спиннинг-силк» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси ташкил этилди. Эндиликда пилла чиқиндилари эвазига замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари айирбошланади. Бу эса мудатини ўтаб булган дастгоҳларини серурум ускуналар билан алмаштириш ва тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беради. Ҳозир бу ерда пилла чиқиндиларидан ипақли лента ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар ўрнатишга киришилди.

«ПОЧИН» БОЛАПАРНИ КУТИБ ОЛДИ

Республикамиздаги турли дам олиш масканлари ўқувчи-ёшларни бағрига олди.

Ўтган йили республикамизнинг барча олий ўқув юртилари ҳамкорлигида бунёд этилган Тошкентдаги «Лочин» лагерига ҳозир уч юз нафар ўғил ва қиз хордиқ чиқармоқда. Мавсум давомида эса қарийб минг нафар ўқувчи ёғи тағтилди шу ерда ўтказди. Бунинг учун барча шароит мавжуд.

ИСТЕЪДОД МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатмаётган ташкилотлар сифига республика истеъдод маркази ҳам қўшилди.

Истеъдод маркази асосан психологик танлов услубларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганади, истеъдодли болаларнинг қобилияти қайси соҳаларга мослигини аниқлайди. Бу ишлар замонавий компьютерларда бажарилади. Танлаб олинган болалар ўқини учун махсуқ мактаб ёки олий ва ўрта махсуқ ўқув юртиларига қафолат билан тавсия этилади.

БАСТАКОРНИНГ ТУҲФАСИ

Хоразмлик бастакор Исмомил Олаберганов «Ўзбекистон» деб номланган симфоник поэма ёзди.

Она юрт мадҳияси, истиқлол нашиндиси, эркин ҳаётни қуйловчи асар мутақаллимизнинг тўрт йиллик тўғига бағишланган.

«ЮПДУЗ»ДАН ҲАММА ХУРСАНД

«Жиззахсўт» ҳиссадорлик жамияти қорхоналарида тайёрланаётган озик-овқат маҳсулотлари аҳолига манзур бўлаётган. Яқинда жамият аҳолига яна бир қўлайлик яратди. Энди янги келтирилган сўт маҳсулотлари «Юлдуз» савдо дўкони орқали аҳолига етказиб берилаяпти.

СУРАТДА: янги қурилган «Юлдуз» дўкони.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 июндаги «Давлат мулк бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қозғалар бозорини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 июндаги 221-сонли «Давлат корхоналарини очик турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан қўшмача равишда

қуйидагиларни маълум қилади:
1. Давлат мулк бўлган корхоналарни қайта ўзгартириш натижасида ташкил тоналган акционерлик жамиятларининг акциялар чиқаришни рўйхатга олиш ҳақидаги аризалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан шу йилнинг 1 июлигача қабул қилинади. Ҳужжатларни кўриб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш шу йилнинг 10 июлигача амалга оширилади. 1 июлдан бошлаб бундай акционерлик жамиятларининг акциялар чиқаришни рўйхатга олиш тўғрисидаги аризалари Давлат мулк қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари томонидан қабул қилинади

ва белгиланган тартибда амалга оширилади.
2. Давлат мулк бўлган корхоналарни қайта ўзгартириш натижасида ташкил тоналган акционерлик жамиятларининг акциялар чиқаришни «Вақт» миллий депозитарийда рўйхатга олиш ва жойлаштириш учун тўловлар олинмайди ва бу билан боғлиқ бўлган харажатлар Давлат мулк қўмитаси томонидан қопланади.
3. Давлат корхонасини акционерлик жамиятга айлантириш жараёнида рўйхатдан ўтказиш учун аввал тўланган йиғимлар ва тўловлар қайтариб берилмайди.



ДЕПУТАТЛАР КЕНГАШИБ ОЛДИ

Кеча Сурхондарё вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси яқунлигида бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлисга Сурхондарё вилоятдан сайланган депутатлар, вилоят кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этди. Йиғилишда Олий Мажлиси депутатлари Э. Аззамов, К. Сафиев, Х. Эрматов, Ш. Норбоева, вилоят кенгаши депутатлари Ж. Ҳамроев, Ф. Қозиева, Н. Тўраев, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Норпўлатов кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Йиғилишда республика Олий Мажлиси раиси ўринбосари Б. Шодиева, вилоят ҳокими Ж. Норалиев сўзга чиқидилар.

Т. РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИЗБОСАНЛИКЛАР ДОВОН ОШДИ

Фалла мустақиллиги учун курашаётган туман меҳнаткашлари амалдаги йилда фйрат билан ишладилар. Улар республикада биринчи бўлиб режалаштирилган хирмонни уюшга эришдилар. Урим-йиғимдаги уюшқоқлик, фидокорона меҳнат, фаллакорларга яратилган шароит катта галабага олиб келди. Фаллакорлар 3,5 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 51 центнердан хирмон кўтариб, 9 минг 540 тонна дон етиштиришди. Бу — режадагидан 8 центнер ортиқ дегани. Баракали хирмонда 50-55 центнердан ҳосил кўтарган чорвачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Урганчи», «Чумбоғчи» жамоа хўжаликларининг улуши катта бўлди.

Далаларда 70 дан зиёд комбайн ишламоқда. «Чорва-техника» комбайнчиси Неймагилла Жумаев, «Пойтуз» ширкатлар уюшмасидан Орифжон Абдуллаев, А. Тиллабоев номли жамоа хўжалигидан Анвар Йўлдошев 250-300 тоннадан буюд йиғиштириб, барчага ўрнак бўлишди. Қолаверса, қўшни Қирғизистондан ҳашарга келган қирғиз биродарларининг ҳам ёрдамлари салмоқли бўлди.

Буюдзорларда ҳали ҳосил мул. Шу боис ишлар қизгин давом этапти. Ҳосилдан бўшаган ерлар эса пешма-пеш шудор қилиниб, оралиқ экинлар экилмоқда.

Фозилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШАРОФ РАШИДОВ ЖАМҒАРМАСИГА

Юртимизда фаолият кўрсатаётган Австриянинг «Алтро» фирмаси Халқаро Шароф Рашидов жамғармасига ҳар йили миң доллар миқдорига ёрдам кўрсатамоқда. Маълумки, ушбу жамғарма бундан уч йил бурун ташкил этилган бўлиб, ўтган йили эса халқаро мақомга эга бўлган эди. Жамғарма дарҳол «Алтро» фирмаси президентини жаноб Алоннинг эътиборини тортди. Натийжада фирма ана шундай хайрли ишга қўл урди.

Австриянинг «Алтро» фирмаси Ўзбекистонда Европанинг энг нуфузли фирмаларидан бири сифатида танилган. У мамлакатимиз ички бозорига муҳим ўрин тутади ва Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига ўзининг улушини қўшиб келаяпти. Халқаро Ш. Рашидов жамғармасига ҳар йили маблағ ўтказиладиган Австрия фирмасининг Ўзбекистон билан ўзаро алоқалари тобора мустақамланаётганлигидан далолат беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 22 июнда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хоржий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди.	1 Ирландия фунти	48,72	1 Эстония кронаси	2,66
Сотув ҳажми 16,83 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 29,70 сўм даражасида қайд этилди.	1 Исландия кронаси	0,47	1000 Украина карбованец	0,21
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 23 июндан бошлаб ҳисоб ва божона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи. *)	10 Испания песети	2,46	1 Латвия лати	58,01
	100 Италия лираси	1,82	1 Литва лити	7,43
	1 Канада доллари	21,53	1 Қозғистон тенгеси	0,47
	1 Кувейт дивори	99,40	1 Молдова лейи	6,52
	100 Ливан фунти	1,83	1000 Беларусь рубли	2,58
	1 Германия маркаси	21,46	Марказий банк 1995 йил 23 июндан бошлаб	
	1 Норвегия кронаси	4,82	Ўзбекистон Республикаси махсуқ пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгиледи:	
	10 Португалия эскудои	2,04	— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 29,70 сўм.	
	1 Сингапур доллари	21,23	— Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 29,70 сўм.	
	1000 Туркия лираси	0,68	*) — Хоржий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.	
	1 Финляндия маркаси	6,97	*) — Валюта қийматини белгиллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.	
	1 Франция франки	6,12		
	1 Швейцария франки	4,10		
	1 Швейцария франки	25,96		
	1 ЭҶО	39,56		
	10 Япония йенаси	3,54		
	1000 Россия рубли	6,53		

1 Эстония кронаси	2,66
1000 Украина карбованец	0,21
1 Латвия лати	58,01
1 Литва лити	7,43
1 Қозғистон тенгеси	0,47
1 Молдова лейи	6,52
1000 Беларусь рубли	2,58

Т. НОРКУЛОВ
(ЎзА) олган суратлар.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

• Нуқтаи назар

МАДАНИЯТ — МИЛЛАТ КЎРКИ

Ватанимиз кўҳна тарих ва маданиятга эга. Афсонавий Афросиёб харобаларидан тортиб, Исмоил Сомониё мақбарасига, Регистондан Ичон қалъасига — барча-барчаси буюк аждодларимиз руҳию тафаккури, орзу ваълолини, истак ва интилишларини жаҳонга кўз-кўз қилиб турбди.

Самарқанд, Бухоро, Хива каби дунёга доғруғи кетган улғур шаҳарларимиз мамлакатимиз шону шавкати, салохиятининг мислсиз намунасики, биз бундан ҳар қанча фохр этсак арзийди. Юртбошимиз ўз нутқларида ватанимизнинг жаҳонга юз тугиб, қудратли давлатлар сафидан ўрин ағаллашда тарихимиз беқийс аҳамиятга эга эканлигини ёт-ёт тақдирларидилар. Ҳақиқатдан ҳам халқ тафаккури бугун ва келажаги тарихидан озикланиб, ундан куч олиб яшайди. Биз бугун ўтмиш меросимизга, аъналаримизга, урф-одатларимизга қайтар эканмиз, бевосита тарихимиз ва кўҳна маданиятимиз билан узвий боғланамиз.



рихимиз, адабиёт ва санъатимизга кенг ўрин берилди. Маданият муассасалари, театрлар, халқ дасталари бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

Институтимиз республикамиздаги мавжуд барча типдаги кутубхоналарга юқори малакали кутубхоначи-библиографларни, маданият-маърифий муассасаларга эса клуб ишлари ва оммавий байрамлар ташкилотчиси, хаваскорлик, халқ чолғу асбоблари оркестри ва ансамблилари, ракс, жор ва театр хаваскорлик жамоаларининг раҳбарларини, маданият менежерларини, кино тарғиботи ва дам олишни уюштириш ташкилотчиларини тайёрлаб беради.

Бугунги кунда институтимизда битта лаборатория, техника воситаларидан фойдаланиш кабинети, компьютерлар хонаси, 25 та кафедра, номзодлик диссертацияларини йиқиб бўйича ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатапти. Айни пайтда институтимизда 16 мутахассислик бўйича бир ярим мингга яқин талаба тахсил олмақда. Бизда талабаларнинг мукамал билим олишлари учун барча зарур шароитлар яратилган. Хусусан, кафедраларимизда меҳнат қилаётган 300 га яқин профессор-ўқитувчилар таълим-тарбиянинг йил-йил уюл ва шакллари излаб топилди, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Олий ўқув юртида таълим жараёнини ташкил этишдаги ўзига хослик, табиийки, ушбу масканда меҳнат қилаётган устозлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бунга тўғри англаган жамоамиз ахли бор куч-гайратларини талабаларнинг етарли билим олишларига қаратмоқда.

Маълумки, республикамиз мустақилликка эришган, барча соҳаларда кенг қўлдан ишлатилган амалга оширилган бошланди. Шу жумладан, олий таълим тизимига ҳам бир қанча ижобий ўзгаришлар қилиндики, бу тизимимизни мустаҳкамлаш, жаҳон андозалари даражасида шакллантириш имконини берди. Жум-

ладан, республикамиз олий ўқув юртидаги қабулнинг тест усули жорий қилиниши бирмунча қулайликлар туғдирди. Биз ўқув жараёнида ўқувчиларнинг билим-савияларини рейтинг асосида аниқлашни жорий қилдик. Бу усул хозирданқўз самарасини бераёттир.

Бугунги шароитда замон талабларига мос равишда мутахассис ходимлар тайёрлашда техника воситалари, чунончи, замонавий компьютерларнинг ўрни беқийс. Бу масалага ижобий ёндашиб, билим масканига тест маркази, компьютер хонаси, техника воситалари орқали ўқитиш аудиториясини ташкил этдик. Буларнинг барчаси республикамизда таълим-тарбия соҳасидаги ишларга катта аҳамият берилаётганлигидан далолатдир.

Институт меҳнат жамоаси фаолиятида илмий-тадқиқот ва бадиий-ижодий соҳадаги ишларга ҳам кенг эътибор берилмоқда. Агар институт ташкил этилган даврда у ўзининг илмий салоҳиятини жиҳатдан жумхурият олий ўқув юртидаги орасида энг сўнгги ўринлардан бирини эгаллаган бўлса, хозирги кунга келиб, илм даражасида 20 яқин фан доктори, профессорлар, 100 дан ортқ фан номзодлари ва доцентлар ўқув жараёнини такомиллаштириш билан бирга илмий-тадқиқот соҳасида жиддий ишлар олиб бормоқдалар. 1988—1994 йиллар мобайнида институт олимлари томонидан 35 та монография, 20 та дарслик ва қўлланма, 120 та ўқув-ўқулбий тавсиялар чоп этилди. Юқорида эслаб ўтганимиздек, ўтган йилдан бошлаб кутубхонашунослик ва библиографияшунослик ҳамда маданият-маърифий фаолият назарияси, услубийи ва ташкил этилиши мутахассисликлари бўйича педагогика фанлари номзоди илмий даражасини бериш кенгаши муваффақиятли иш бошлади. Бундан ташқари, институтимиз қошида бир неча йиллардан бери аспирантура фаолият кўрсатапти.

Олимларимиз республикамизда кечаётган ижтимоий ислохотларда фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Адабиёт, Тил, Тарих, Фалсафа ва Хуқуқ институтлари билан яқиндан алоқа боғлаган ҳолда маданият ва санъат, истиқлол ва маданий мерос мавзуларида чукўр тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Таълим тизимига, малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда ишлаб чиқариш амалиётининг ўрни ва роли беқийсдир. Шу нуқтаи назардан ҳам институтда ушбу масалага кенг эътибор берилмоқда. Институт билан маданият масканлари ўртасидаги иждоий ҳамкорлик аънамага айланмоқда. Бунга мисол тариқасида Чкалов номидаги Авиация ишлаб чиқариш биришмасининг маданият ва техника саройи, Тўқимачилик маданият саройи, А. Қодирий, Х. Олимжон номидаги маданият уйлари ва

Азиз ТўРАЕВ,
А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректори.

• Луқма

ХОРИЖЛИКЛАР ТАН БЕРИШДИ. БИЗНИКИЛАР ЭСА...

Унутмаёган миллий халқ ўйналарини қайта тиклаб, уни республикамизга, жаҳонга кўз-кўз қила олган форшиликлар мустақил давлатимизнинг миллий спорт тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиши шубҳасиз. Чунки уларнинг саёй-ҳаракатлари туфайли табиатнинг ўзи яратган Қизилқир ўйингоҳида бултур биринчи марта республика мусобақалари ўтказилди.

Бу ўзинга хос байрамга хорижлик спорт назариячилари юксак баҳо бериб, «спортнинг кўп турлари бўйича жаҳон андозалари айнан сизнинг халқ ўйналарингиздан олинган экан», дея тан беришди.

Бу йилги миллий спорт ва халқ ўйналари беллашувлари эса фақат Жиззах вилояти миқёсида, Галлаорол шаҳри ўйингоҳида бўлиб ўтди. Бунга қарангки, еттига тур бўйича ўтказилган мусобақаларнинг бештасида халқ ўйналарининг моҳир усталари бўлиб қолган форшиликлар яна биринчи ўринларни эгаллашди.

Жиззах воҳасида ўтказилган

лаётган ҳар йилги халқ ўйналари катта байрамга, сайилга айланиб бораётганини кўриб, ҳақиқатан бир эътироз тугилади кишида. Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон



Х. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

тон Республикаси халқларининг ҳам ўзинга хос миллий ўйналари бор. Лекин уларни оммавийлаштириш, вилоятлараро учрашувлар ўтказишга негадир мутасалли ташкилотлар ва, айниқса, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия кўмитаси томонидан эътиборли ҳаракат сезилмапти.

Айниқса, сўнгги пайтларда киностудияда «Гум-гум» тўлиқ метражли ва «Қайтиш» ҳамда «Тикин» қисқа метражли бадиий фильмларнинг суратта олиниши Қорақалпоғистон маданият қўмитасида катта воқеа бўлди.

«Қорақалпоқфильм» жамоаси ўз байрамларига муносиб совғалар билан келишди. Айни кунларда улар томонидан суратта олинган «Президентларнинг қулуг қалами», «Тулапберган Қайипбергенов» каби қатор фильмлар республика экранларида чиқарилиш араксизда турибди. Шунингдек, киносанъаткорлар собоқ Совет Иттифоқи Қаррамони Иноят Наврўзбоев тўрисида ҳикоя қилувчи «Қахрамон», XXII Осиё ўйналарининг бокс бўйича чемпиони Алишер Авазбоев ҳақидаги «Осиё арслони» фильмларини суратта олишни ниҳоятга етказди.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТ ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси шу кунгача Кувайт, Корея ва Қозоғистон миллий олимпия кўмиталари билан ўз юртиларига ўтказилаётган турли хил мусобақаларга бир-бирларининг спортчиларини тақлиф этиш, мутахассислар алмашиш ва спортнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда бир-бирларига кўмаклашиш юзасидан битимга эга эди. Утган кун шундай шартнома Тожикистон миллий олимпия кўмитаси билан ҳам

имзоланди. Журналистлар билан учрашув чоғида Ўзбекистон МОК президенти С. Рузиев ва Тожикистон МОК президенти Б. Жабиоров қадимий ўзани бир бўлган бу икки юрт спорт соҳасида ҳам ҳамкорлик қилишда ўзининг анъаналарига эга бўлиб келганини, бу ҳамкорлик бундан кейин ҳам ўзининг янги погоналарига кўтарилаётганини эътироз этишди. Бурихон Жабиоров 1-Марказий Осиё Олимпиадасига Тожикистон делегацияси имком қадар барча

спорт турлари бўйича тўлиқ сафда келишга қарақат қилаётганини ва Тожикистонда тутилган янги йирик мусобақанинг биринчиси дўстлик шаҳри Тошкентда ўтказилаётгани катта рамзий маънога эга эканлигини таъкидлаб, мусобақа беш қоншош мамлакат халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга кўмаклашишга умид билдириди.

Р. ЭРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИПОТ КИЧИК ВА ҚУШМА КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗУЛГУРЖИБИРЖАСАВДО» уюшмасининг «ЎЗДАСТГОҲАСОБУСКУНАСАВДО» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти Ҳамдўстлик давлатларида ишлаб чиқарилган

Саноат тикув машиналари 97-Ф ва 1022 кл., саноат тикув машиналарига эҳтиёт қисмлар, электрофрикционлар, игналар, мой исканжалагич.

Металлга ва ёғочга ишлов берувчи дастгоҳ, ёғочга, металлга қайта ишлов берувчи, металл ва ёғоч қирқувчи дастгоҳлар, металл ишлов берувчи асбоб-ускуналарни сотади.

Мурожаат учун телефонлар: 91-65-41, 91-35-86, 54-54-29, 54-57-30. Манзилимиз: Тошкент ш., 700025, Стародубцева кўчаси, 130.

ҲАМКОРЛИГИНИЗ УЧУН ТАШАККУР!

ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНКИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Республикадаги энг ишончли банкларидан бири, Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик Саноат акционер-тижорат банки

Ўз акционерларига 1995 йилнинг 1 чораги учун банкнинг акциялари бўйича дивиденд (фойда) тўлашини билдиради.

Дивидендлар йиллик фойда ҳисобидан оддий акциялари бўйича 120 фойз ва имтиёзли акциялар бўйича 150 фойз тўланади.

Бугунги кунда акцияларнинг курс қиймати 1810 сўмни ташкил қилади, уларнинг номинал қиймати эса 1000 сўмдир.

Ўзбекистон акционерлари ўз акционерлари учун акцияларни сотиб олишда имтиёзлар беради - акционерлар қирган фойдаларига хоҳишига қараб акцияларни номинал қиймати бўйича сотиб олишлари мумкин.

Дивидендлар тўлаш ва акцияларни сотиб олиш масаласи бўйича барча вилоят ва туман шўъбаларига, ҳамда Тошкент шаҳрида қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Муқимий кўчаси, 43 уй, телефон/факс (3712) 78-10-94.

ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНКИ АКЦИЯЛАРИ - БУ СИЗНИНГ БОЙЛИГИНИЗ!

БОБУР ИЖОДИГА ҚИЗИҚИШ

Ўзбекистон Халқро маданият-маърифий алоқалар уюшмасида Умумхалқий дўстликлар уюшмасининг бош қотиби, Деҳли университетининг профессори, «Ҳиндистон-Ўзбекистон» жамиятининг бошқари Қамар Раиснинг ёзувчилар,

шоирлар ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодини тадқиқ этиш билан шуғулланаётган олимлар билан учрашуви бўлди.

Ижодкор зиёлилар вакиллари «Ҳиндистон-Ўзбекистон» ва «Ўзбекистон-Ҳиндистон» жамиятларининг

биргаликдаги фаолияти ҳамда улар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Бу алоқалар икки мамлакат халқлари маданияти, тарихи, аънавалари ва ҳозирги турмуши билан таъиниши учун янги имконият-

лар очади. Профессор Қамар Раис Ўзбек шоирлари, адиблари ва олимлари ёрдамида буюк шоир ва давлат арбоби Бобурнинг шеърларини урду, ҳинд ва инглиз тилларига таржима қилиш ниятида эканини айтди.

Элдор АНТИПОВ.

"Тошкент сўзи"

- * акциядорлик жамоасига доимий ишлаш учун сўт маҳсулотларини етказиб берувчи (эспедиторлар) керак.
- * Иш ҳақи олиб борилган сўт маҳсулотни миқдорига қараб белгиланади.
- * Жамоа аҳолига юқори савияда сўт маҳсулотлари етказиб беришда ҳамкорлик қилувчи қархоналар ва шахсларни тақлиф қилади ва буюртмаларга асосан уйга сўт маҳсулотлари етказиб беришни мўлжалламоқда.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 26 мавзе "Тошкент сўзи" акциядорлик жамоаси, кадрлар бўлими.
Телефонлар: 72-02-85, 72-16-14, 72-02-81.

Kamalak - TV эфир-кабель телевиденияси

8 та энг яхши ТВ каналлари — доимо Сизнинг уйингизда

1.Pr. Sport - спорт. 2."Останкино" ТВ. 3.ТВ-6 Москва. 4.Россия ТВ. 5. [V]-музыкали. 6.BBC - янгиликлар. 7.Star Plus - кўнгличочар. 8.Cine Plus - фильмлар.

Қулик дастур — 1, 2, 3, 4, 5.
Қайта дастур — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8.
Ҳақ тўлаш — хоҳишига қараб, шунингдек VISA кредит карточкаси билан.

Бизнинг манзиллар: "Главный канал" ва "Янги телеканал".
Тел.: 35-22-32, 44-20-28, 44-29-90, факс: 34-01-11.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодий 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тўғри муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Хошиматова.
Навбатчи — Ф. Шермухаммад.